N 33 (110) • 2007 йил 17 август

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ – ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДА

**2007 йил 1 августда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги ЎРҚ-106-сон Қонун** *(«Норма маслаҳатчи»нинг 2007 йил 10 августдаги 32 (109)-сонида чоп этилган)* **қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Хусусан, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш, ҳакамлик судининг бундай қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш билан боғлиқ бўлган, кўрсатилган ишлар бўйича аризаларнинг шакли ва мазмуни, уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайдиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризаларни, шунингдек унинг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисида аризаларни кўриб чиқишни рад этиш асосларини белгилайди.

**Қонун 2007 йил 2 августда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### БЕНЗИН ҚАНЧА ТУРАДИ?

**2007 йил 1 августдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 2007 йил 30 июлдаги 157-сон қарори билан автобензин маркаларига қуйидаги чакана нархларни:** А-76 маркаси учун – бир литр учун 610 сўм миқдорида; Аи-80 маркаси учун – 630 сўм; Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркалари учун – 705 сўм; Аи-95 маркаси учун – 790 сўм миқдорида **белгилади** (таҳририятдан: бу суммага жисмоний шахслар учун ёқилғи-мойлаш материалларига солиқ кирмайди).

Қонунга мувофиқ айрим тоифадаги шахсларга автобензинни харид қилиш харажатлари бир қисмининг ҳар ойлик пулли компенсацияси 12 600 сўм миқдорда белгиланди.

### ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ – МУАССАСА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори билан Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

У билан оилавий болалар уйларининг мақомини, уларнинг ташкил этиш тартиби ва шартларини, болаларни бундай уйларга қабул қилиш қоидаларини, тарбияловчи ота-оналар ва тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, оилавий болалар уйи таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш шарт-шароитларини белгилайди.

Оилавий болалар уйи муассаса шаклида ташкил этилади ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади. Унинг таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш халқ таълими муассасаларини молиялаштириш тегишли бўлимлари томонидан шартнома асосида бепул амалга оширилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари эса оилавий болалар уйларини ташкил этишга кўмаклашиш, тарбияловчи ота-оналарга зарур ташкилий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар ойда камида бир марта тарбияланувчи болалар турмуши ва тарбияланиши шароитларини кузатиб боришади.

### СПИРТ НАЗОРАТИ

**Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 31 июлдаги «Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 159-сон қарори билан** Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси тузилмаси, «Ўзстандарт» агентлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва улар ходимларининг чекланган сони тасдиқланди.

Қабул қилинган ҳужжат билан «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ва «Ўзстандарт» агентлигига «Қўқон спирт», «Андижон биокимё заводи» ва «Янгийўл биокимё» очиқ акциядорлик жамиятларининг спирт сифатини аниқлаш бўйича ишлаб чиқариш лабораторияларини белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлигининг тегишли ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари балансига бепул қабул қилиниши-топширилишини амалга ошириш, шунингдек кўрсатиб ўтилган лабораторияларнинг нормал ишлаши, шу жумладан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси ходимларининг корхоналар ҳудудида тўсиқсиз бўлишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш топширилди.

2007 йил 1 сентябрдан бошлаб спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган этил спирти-ректификат фақат «Ўзстандарт» агентлигининг спирт сифатини аниқлаш лабораторияларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқлиги бўйича текширишдан ўтгандан кейин тайёр маҳсулотлар омборига топширилади.

### ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИ УЧУН АСОС

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 августдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 166-сон қарори** Президентнинг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3889-сон Фармонига мувофиқ қабул қилинди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Фармон билан бир ой учун белгиланган энг кам иш ҳақи – 15 525 сўм миқдоридаги нолинчи разрядли тариф ставкаси меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси учун асос қилиб олинган.

### ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АНИҚЛАНАДИ

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 августда 170-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*.

Низом кредит ташкилотларининг даромад ва харажатларини аниқлаш тартибини, шунингдек у томонидан даромад (фойда) солиғи, ҚҚС, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш хусусиятларини белгилайди.

**Низомга иловаларда қуйидагилар келтирилади:**

– Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллаш ҳисоб-китоби маълумотномаси (даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига илова қилинади);

– Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллашга доир шартли мисол.

**Ҳужжат 2007 йил 19 августдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 31-32-сони асосида 2007 йил 28 июлдан 10 августгача бўлган давр учун тайёрланди.***

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1086,76 | 1 Малайзия ринггити | 366,49 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2578,80 | 1 Польша злотийси | 463,21 |
| 1 Дания кронаси | 235,01 | 1 СДР | 1948,58 |
| 1 БАА дирҳами | 345,81 | 1 Туркия лираси | 996,49 |
| 1 АҚШ доллари | 1270,03 | 1 Швейцария франки | 1064,93 |
| 1 Миср фунти | 225,40 | 1 ЕВРО | 1748,70 |
| 1 Исландия кронаси | 19,90 | 1О Жанубий Корея вони | 13,74 |
| 1 Канада доллари | 1204,39 | 1О Япония иенаси | 107,11 |
| 1 Хитой юани | 167,84 | 1 Россия рубли | 49,88 |
| | | 1 Украина гривнаси | 251,49 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 15.08.2007 | 1 | 0,8536 | 1 | 1,1538 | 1 | 0,0333 |
| Арманистон | 15.08.2007 | 1 | 336,76 | 1 | 457,69 | 1 | 13,19 |
| Беларусь | 16.08.2007 | 1 | 2146 | 1 | 2895,92 | 1 | 83,71 |
| Грузия | 15.08.2007 | 1 | 1,6645 | 1 | 2,2587 | 1 | 0,0652 |
| Қозоғистон | 16.08.2007 | 1 | 125,22 | 1 | 169 | 1 | 4,89 |
| Қирғизистон | 14.07.2007 | 1 | 37,95 | 1 | 52,3312 | 1 | 1,4886 |
| Латвия | 16.08.2007 | 1 | 0,52 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0203 |
| Литва | 16.08.2007 | 1 | 2,5392 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,9468 |
| Молдова | 15.08.2007 | 1 | 11,939 | 1 | 16,2144 | 1 | 0,4671 |
| Тожикистон | 16.08.2007 | 1 | 3,4404 | 1 | 4,6758 | 10 | 1,342 |
| Ўзбекистон | 14.08.2007 | 1 | 1270,03 | 1 | 1748,7 | 1 | 49,88 |
| Украина | 15.08.2007 | 100 | 505 | 100 | 686,3455 | 10 | 1,9779 |
| Эстония | 15.08.2007 | 1 | 11,5931 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,452236 |

**Манба: www.prime-tass.ru**

### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА 2007 ЙИЛ 14 АВГУСТ ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМИГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1271,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1769,00 |
| "Асака" банки | 1271,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1752,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1271,00 | 1275,00 | 1750,00 | 1760,00 |
| "Пахтабанк" | 1270,00 | 1275,00 | 1750,00 | 1755,00 |
| Халқ банки | 1271,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1760,00 |
| "Ипотека-банк" | 1272,00 | 1275,00 | 1755,00 | 1760,00 |
| АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж. | 1271,00 | 1273,00 | 1750,00 | 1753,00 |
| "UzKDBбанк" | 1270,00 | 1273,00 | 1730,00 | 1750,00 |
| "Ғаллабанк" | 1271,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1758,00 |
| "Трастбанк" | 1271,00 | 1276,0 | 1750,00 | 1760,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1270,50 | 1276,00 | 1749,00 | 1757,00 |
| "Алоқабанк" | 1270,50 | 1276,00 | 1750,00 | 1776,00 |
| "Ў-Т банк" | 1271,00 | 1275,00 | 1755,00 | 1770,00 |
| "Туронбанк" | 1271,00 | 1278,00 | 1750,00 | 1757,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1271,00 | 1277,00 | 1749,00 | 1760,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1270,50 | 1275,00 | 1749,35 | 1755,54 |
| "Микрокредитбанк" | 1271,00 | 1275,00 | 1750,00 | 1756,00 |
| "Туркистон" банк | 1270,00 | 1280,00 | 1745,00 | 1755,00 |
| "Даврбанк" | 1271,00 | 1276,00 | 1750,00 | 1760,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1271,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1770,00 |
| "Капитал банк" | 1271,00 | 1276,00 | 1748,70 | 1774,00 |
| "Содерат банк" | 1275,00 | 1281,00 | 1749,00 | 1769,00 |
| "Ҳамкор банк" | 1271,00 | 1276,00 | 1730,00 | 1765,00 |
| "Универсал банк" | 1275,00 | 1281,00 | 1755,00 | 1762,00 |
| "Парвинабанк" | 1271,00 | 1273,00 | 1750,00 | 1753,00 |



# ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

***ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА БУХГАЛТЕР КАСБИНИНГ, ЭРКАК ЁКИ АЁЛ БУХГАЛТЕР БЎЛИБ ИШЛАЁТГАНЛИГИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ? АНА ШУ МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ОЛИНГАН БИЛИМЛАР ОИЛА БЮДЖЕТИНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДАМИ?***

**• «GRAND FARM MEDICAL» масъулияти чекланган жамият бош бухгалтери Галина Юрьевна:**

– Менимча, бухгалтерлик касбим оиламдаги муносабатларга сира таъсир этмайди. Ишда бирон муаммо чиқиб, кайфиятим яхши бўлмаса ҳам уйга келганимда сир бой бермасликка ҳаракат қиламан. Оиламдагилар кайфиятим йўқлигини сезиб қолсалар, яхши нарсалар ҳақида сўз юритиб мени овутмоқчи бўлишади.

Оила бюджетини йўлга қўйиш касбга унча боғлиқ эмас. Рўзғорни яхши эплайдиган, омилкор бека бўлсанг, у ёки бу молиявий жиҳатларни инобатга олиш учун хонаки бухгалтер бўлишинг шарт эмас. Одам оқил бўлиб, маблағларни бир ойга етишини мўлжал қилган ҳолда харжлашнинг уддасидан чиқса кифоя. Ишхонанинг иши, у билан боғлиқ ташвишу асаббузарликларни хонадонингизга яқин йўлатмаслик керак. Оилангиз бағрида, яқинларингиз даврасида бўлиб, ортиқча хархашаларни унутиш лозим. Ҳозирги мураккаб даврда кимнинг ташвиши йўқ дейсиз?!

**• Босмахона хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Саноатхон Азизхоновна:**

– Нимасини айтай, касбим оиламнинг ойлик бюджетини режалаштиришда қўл келади. Илгари иқтисодчи бўлиб ишлаганман, кейинчалик бухгалтерлик қилишга ўтдим. Бутун фаолиятим молия билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу нарса, табиийки, оиламиз, турмушимизда ўз аксини топди, албатта.

Ишда бирон қийинчилик чиқиб қолса, оилада достон қилиб ўтирмайман. Кейинги вақтларда унақа жиддий муаммолар ҳам бўлмаётир ўзи. «1С:Бухгалтерия» дастурига гап йўқ – унинг ёрдамида бошқа майдачуйда ишларга қарашга вақтимиз бўлмоқда. Жамоамиз катта эмас. Бизда ўн киши ишлайди. Директоримиз оғир-вазмин, вазиятни тушунадиган киши. Яна бир гап: биз ягона солиқ тўлови тўлашга ўтганмиз. Шу сабабли кейинги йилларда ишимда ортиқча асабланишу ташвишланишлар йўқ. Илгарилари кўпинча уйга чарчаб-ҳориб қайтардим. Оиламдагилар билан гаплашиб ўтиришга ҳам ҳолим келмасди. Улар мени ўшанда ҳам, ҳозир ҳам қўллаб-қувватлаб келаётганликларини айтмасам ҳам бўлар-ов...

**• Бош бухгалтер Нодира Миробидовна:**

– Саволингизга жавобим шу: касбимизнинг салбий таъсири кўпроқ, чунки бу иш асаббузарликлар билан боғлиқ ички ҳаяжону қалб кечинмалари силсиласи билан кечади. Бундай қараганда енгил иш бўлиб кўринган билан бухгалтер бўлиш осон эмас. Ишинг энг аввало молия билан боғлиқ, шу боис масъулияти ҳам катта эканлигини ҳамиша ҳис этиб турасан. Оқибатда асабларинг ҳамиша таранг. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда иш кунидан кейинги хатти-ҳаракатинг, юриш-туришингга ҳам таъсир этади. Кўпинча мен уйга жуда толиққан ҳолда қайтаман. Уйимдагилар ҳолатимни инобатга олиб, яхши гаплар билан чалғитишга, аҳволимни енгиллатишга ҳаракат қилишади. Баъзан улар ички салбий туғёнларимни сезмаганликка олишади.

Оилавий бюджетни режалаштириш хусусига келганда, гапнинг рости, у билан шуғуллангим келмайди. Чунки ишдаги муаммо ва ташвишлардан бош кўргур ҳали ҳоли бўлмаган бўлади.

**• Санитария ва гигиена илмий-текшириш институти бош бухгалтери Галина Геннадьевна:**

– Касбимнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа бухгалтерларда бўлгани каби ички ҳолатимга анча қаттиқ таъсир этади. Ишимда бирон-бир кутилмаган вазиятлар чиқиб қолса, юрагимга ёмон оламан. Яхшиямки яқин кишиларим бундай кезларда аҳволимни тушуниб, шунга яраша муомала қилишади. Улар бухгалтерия соҳасида ҳеч нарса тушунмасликлари мумкин, аммо гапларимни ҳамиша диққат билан эшитишади. Зотан, одам ўзини ҳаяжонлантирадиган муаммоларни кимгадир тўкиб солса, бироз бўлса-да енгил тортади. Ишдаги қийинчиликларнинг аламини уйимдагилардан олмайман – бу оиламдаги муҳитга ёмон таъсир этиши мумкин. Ҳар биримизда касб фаолияти билан боғлиқ қанчадан-қанча муаммо бор. Атрофингдагилар бундай масалалардан йироқ, ишингнинг нозик жиҳатлари ҳақида тариқча ҳам тасаввурлари бўлмаса-да, улар билан бу муаммолар ҳақида эмин-эркин гаплашиб олганинг маъқул. Эҳтимол улардан муаммонинг кутилмаган ечимига оид яхши фикр чиқиб қолар?!

Мен оила бюджети билан сира шуғулланмайман. Аниқроғи, бу бюджетни биз олдиндан режалаштирмаймиз. Пул билан битадиган ишларни даромад келишига қараб ёки кутилмаган сарф-харажат қилиш зарурати туғилганда ҳал қилиш ҳаракатига тушамиз. Бу борада қандайдир алоҳида ҳисоб-китоб олиб бормайман. Пулларимизнинг бир қисмини келгусида зарур нарса сотиб олиш учун ажратиб йиғиб боришга ҳаракат қиламан, лекин ҳамиша ҳам ўйлаганимиз амалга ошавермайди...

**• Аҳолига телефон хизмати кўрсатиш соҳасида ишлайдиган, номи ошкор этилмаслигини хоҳлаган бухгалтер:**

– Ишимнинг оиламизга таъсири бор деб ўйламайман. Ота-онам билан яшайман, улар касбим асаб зўриқиши билан боғлиқ эканлигини яхши билишади, шу сабабли иш кунидан кейин ҳордиқ чиқаришимга монелик қилишмайди. Мен дўстимлар билан қаҳвахоналарга бораман ёки дам олгани табиат қучоғига чиқамиз. Айни шу мақсадда компаниямиз раҳбарияти жамоавий зиёфат, базм кечалари ташкил қилиб туради. Бундай маросимларда касб фаолиятинг билан боғлиқ қийинчиликлардан чалғийсан киши.

Қариндошларимиз оила бюджетини режалаштириш билан катталар, яъни ота-оналар шуғулланиши керак деган қоидага амал қилишади. Мен буни маъқуллайман ва қўллаб-қувватлайман. Қолаверса, очиғини айтганда, ҳаммаси ҳисоб-китоб билан боғлиқ ишингдан кейин уйда ҳам шу нарса билан шуғуллангинг келмайди.

**• Унитар корхона бош бухгалтери Нилуфар Абдураҳимовна:**

– Кўп вақтим ишда ўтади, уйга кеч қайтаман. Оиламдагилар билан яйраб гаплашиб ўтиришлар қаёқда дейсиз. Масалан, қизим мени фақат кечқурун уйқуга ётишдан аввал ва эрталаблари, ишга отланаётганимда кўриб қолади, холос.

Касб билан боғлиқ муаммолар ҳақида уйда оғиз очмасликка ҳаракат қиламан. Лавозимим оила бюджетини режалаштиришда менга қўл келади: оиламиз бюджетига келиб тушиши эҳтимоли бўлган барча моддий тушумларни, шунингдек қилинадиган харажатларни олдиндан ҳисоблаб қўйишга ҳаракат қиламан. Лекин баъзан оиланинг муайян эҳтиёжи учун йиғиб қўйган пулимни ишхонада унутиб қолдирган пайтларим ҳам бўлади. Шундай кезлари уйдагилар билан озгина нари-берига бориш мумкин.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***Мамлакатимизда кейинги йилларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини эркинлаштириш учун кўпгина ишлар қилинди. Молия-статистика ҳисоботини такомиллаштириш йўлидаги кейинги қадам, сизнингча, қандай бўлади?***

Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки ***normapress@mail.ru*** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган савол юборган сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар.

**Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

## *Хориж тажрибаси*

# ЗАРАРИГА ИШЛОВЧИЛАРГА ТИНЧЛИК ЙЎҚ

***Москвадаги сурункасига бир неча муддат мобайнида зарар кўриб ишлаётган компанияларнинг директорлари билан бош бухгалтерларини солиқ инспекциясига махсус комиссияга чақиртиришади ва улар билан суҳбатлашиб, даромадсиз ишлаш билан ўзларига ўзлари жабр қилаётганликларига ишонтиришади.***

### ХУФИЁНА МАОШЛАР БАРҲАМ ТОПДИ, ЗАРАР КЎРИШЛАР ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Москвалик инспекторларнинг 2007 йилдаги биринчи навбатдаги вазифаси зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг аксариятини рентабелли қилиш бўлди. Бу кампания яқинда бошланган бўлса ҳам жуда қизғин тус олди. Ана шу хуфиёна, яширинча бериладиган маошларга қарши бошланган, катта шов-шувга сабаб бўлган, солиқчилар бизнинг тўла ғалабамиз билан якун топди деб ҳисоблаётган кураш бу ишда намуна бўлади. Энди айни шу сценарий бўйича конвертларда қистириладиган маошларга қарши зўр курашга киришилди.

### ЗАРАРИГА ИШЛОВЧИ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТЎРТ ТОИФАСИ

Зарар кўриб ишлаш оқибатида солиқ тўлашда ҳам оқсаётганлар билан дастлабки босқичда асосан камерал назорат бўлими ходимлари иш олиб боради. Улар 2006 йил юзасидан фойда солиғи бўйича топширилган декларацияларни текшириб, қилган даромадлари харажатларидан кам бўлган ташкилотлар рўйхатини тузиб чиқади. Сўнгра ташкилотнинг ўрни ва салмоғига баҳо бериб, шунинг натижаларига қараб зарарига ишловчи компанияларни бир неча тоифага ажратади.

Биринчи гуруҳга айланма маблағлари катта бўлган йирик солиқ тўловчилар ва фирмалар киради. Уларга эътибор ҳам кўпроқ бўлади.

Иккинчи гуруҳга бир неча йил мобайнида зарарига ишлаб келаётган корхоналар киритилади. Бу компаниялар фаолияти айтарлик катта бўлмаса ҳам барибир уларни текшириб кўрадилар. Зотан Фуқаролик кодексига кўра тадбиркорликдан мақсад тизим асосида узлуксиз фойда олишдир. Йил сайин салбий молиявий натижа кўрсатаётган юридик шахслар фаолият кўрсатиб келаётганлигининг ўзи беихтиёр шубҳа уйғотади, албатта.

Муайян тармоқларда ихтисослашаётган ташкилотларни учинчи тоифага киритадилар. Булар жумласига нефть ва газ билан боғлиқ молиявий операциялар билан шуғулланаётган, бино ва иншоотларни ижарага бераётган компанияларни киритиш мумкин. Баъзи савдо корхоналари, масалан, бозорлар ҳам шунга киради. Уларни алоҳида назоратга оладилар. Негаки, иқтисодиётнинг бу соҳалари илгаритдан жуда юқори рентабелли бўлиб келган. Ҳамонки бундай ташкилотлар зарар билан ишлаётганликларини декларация қилган бўлсалар, мантиқан солиқларни камроқ тўлаш учун қасддан, атайин шундай қилаётган бўлсалар керак деб мўлжаллаш мумкин.

Зарар кўриб ишлаётган бошқа барча солиқ тўловчиларни тўртинчи гуруҳга киритадилар. Камерал бўлимларнинг мутахассислари бу гуруҳга мансуб корхоналар билан энг охирида шуғулланадилар.

### ЗАРАР ҚАЕРДАН КЕЛИБ ЧИҚДИ ЎЗИ?

Камерал тафтиш ўтказилаётганда фойдани сунъий тарзда пасайтириб кўрсатиш ҳолларини объектив сабабларга кўра фойда олинмаган вазиятлардан ажратиш учун зарарнинг ўзи нима сабабдан келиб чиққанлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун контрагентлар рўйхатга олинган банклар ва солиқ инспекцияларига сўровлар юбориб, имкон қадар кўпроқ ҳужжатни текширадилар. Омадсиз бизнес эгаларини ажратиб олиш учун кўпинча шунинг ўзи кифоя қилади. Чунки битим, келишувга кўра ўзаро бирбирига боғлиқ шахслар амалий ришта билан боғланган бўлади. Аммо ташкилот илгари рентабелли бўлган эса-да, кейинги вақтларда аллақандай ташқи омиллар (умуман тармоқ бўйича орқага кетиш, нарх-навонинг қалқиб туриши ва шу сингарилар) туфайли зарар кўраётганлиги аниқланса, бундай ташкилотга ҳеч нарса таҳдид солмайди.

Зарарларнинг моҳияти тўғрисида йиғилган маълумотлар Москва шаҳар федерал солиқ хизмати бошқармасининг комиссиясига тақдим этилади. Комиссия ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказади, фойда олмаётган компания ҳақида яна нималарни билиш зарур эканлиги ҳақида тавсия беради. Айтайлик, фирмага пуллар қаердан келишини кузатиб кўришни маслаҳат беради, у ёки бу операцияларнинг ликвидлилиги ва рентабеллиги коэффициентларини ҳисоблаб кўришни тавсия қилади. Хусусан, амалда ҳеч нарса реализация қилинмагани ҳолда катта фоизлар эвазига кредит олиш компанияга нима бераётганлигини аниқлаш маслаҳатини беришади. Буларнинг ҳаммаси корхонанинг заиф жиҳатларини аниқлаш, бошқача қилиб айтганда охир оқибатда зарарга олиб бораётган харажатларни ошириб кўрсатиш қаерда содир этилаётганлигини аниқлаш имконини беради.

### ДИЛДАН ГАПЛАШИЛСА

Шундан кейин зарарига ишлаётган барча солиқ тўловчилар, инсофлилари ҳам, инсоф бобида оқсаётганлари ҳам суҳбатга чақирилади. Ҳар бири билан алоҳида-алоҳида гаплашишга фурсат йўқлиги учун уларни гуруҳ-гуруҳ қилиб таклиф этадилар. Суҳбат зарарни нима учун намойиш қилиб бўлмайди деган мавзудаги маъруза билан бошланади. Бундан кўзланган мақсад йиғилганларда назорат қилувчи органларнинг диққат марказида бўлаверишдан кўра фойда солиғини тўлаш осонроқ деган ишонч ҳосил қилишдир. Бу таҳдид эмас, руҳий тазйиқ, босим ўтказишдир. Суҳбат иштирокчиларининг гап-сўзларига қараб, анжуман уларга қандай таъсир этгани-ю, керакли амалий ҳаракатларга ундаганлигини ҳис этиш мумкин.

### ОГОҲЛАНТИРИШЛАР ФОЙДА БЕРМАГАНДА

Аммо ўзиникини маъқул қилиб, ўжарлик билан салбий декларациялар топшираверадиган корхоналар ҳам бор. Бундай солиқ тўловчилар рўйхатлари сайёр назорат бўлимига топширилади. У ерда сайёр текширувлар ўтказиш режасига киритиш учун компанияларни танлаб оладилар. Тафтишдан кўзланган пировард мақсад солиқ тўловчи зарар билан ишлаётган даврдаги шубҳали харажатларни йўқотишдир. Россия Федерациясининг Солиқ кодексида харажатлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бўлиши лозим деган модда бор. Мантиқан олганда, ҳамонки хўжалик фаолияти ижобий натижа бермаётган экан, демак чиқимлар ўзини оқламаган бўлиб чиқади деган хулосага келиш мумкин.

Бу масала бўйича арбитраж амалиёти қандай бўлиши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Зеро зарарларга қарши кураш кампанияси бутунлай янги ишдир. Аммо солиқчилар ўзларининг ҳақ эканликларини судьялар ҳамма нарсада бўлмаса-да ақалли харажатларнинг катта қисмида тан олишларига умид қиладилар.

Кейинчалик солиқчилар ўз эгаларига даромад келтирмаётган тижорат тузилмаларини тугатиш ҳуқуқини олсалар ажаб эмас. Аммо бу ҳозирча шунчаки, лойиҳадаги гап. Лекин инспекциялар ҳозирнинг ўзидаёқ зарарига ишлаётган ташкилотлар муайян даражадаги рентабелликка эришмагунларига қадар уларга мутасаддилик қилаверадилар. Ташкилот узоқ вақт мобайнида зарар кўрсатишдан қутулиб, фойда кўришга ўтса ва унинг кўлами изчил ошиб борсагина, инспекторлар уларни ўз ҳолига қўядилар.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***

# РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ТЕКШИРУВЛАР

***2003 йилда акциядорлик жамиятида 2001 йил 1 январдан бошлаб 2003 йил 1 январга қадар молия-хўжалик фаолияти режали текширувдан ўтказилган. Давлат солиқ хизмати органлари 2005 йилда АЖда 2003 йил 1 январдан 2005 йил 1 январгача бўлган даврда солиқ қонунчилигига риоя қилинганлиги юзасидан режадан ташқари текширув ўтказдилар.***

***Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятимиз жорий йилнинг август ойида режали текширув ўтказиладиган корхоналар рўйхатига киритилганлиги маълум бўлди. Амалдаги қонунчиликдаги сўнгги ўзгартиришларга кўра жамиятимиз тоифасидаги корхоналарда текширишларни ўтказиш даврийлиги уч йилда бир марта қилиб белгиланган. Шу муносабат билан қуйидагича савол туғилади: режали текширувлар ўтказилиши керак бўлган корхоналар рўйхати тузилаётганда аввал ўтказилган режадан ташқари текширувлар ҳисобга олиниши керакми?***

**Ф.Маликов,**
**«USUB» ОАЖ бош директори.**

– Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, аввал ўтказилган, шу жумладан тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини **режадан ташқари текширишлар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар режа-жадвалини тузишда назорат қилувчи органлар томонидан ҳисобга олинмаслиги мумкин.** Бу «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(1998 йил 24 декабрда 717-I-сон билан қабул қилинган)* 10-1-моддасига[1] асосланган. Унга кўра **текширишлар даврийлиги** (сизнинг ҳолатингизда – уч йилда бир марта) **фақат режа-жадвал асосида ўтказиладиган текширишларга, яъни фақат режали текширишларга нисбатан белгиланади.**

Шундай қилиб, агар акциядорлик жамиятингизда режали текширув сўнгги марта 2003 йилда ўтказилган бўлса, 2005 йилда корхонангизда **режадан ташқари** текширув ўтказилганига қарамай, 2007 йилда режали текширув ўтказилиши мутлақо қонунийдир. Бироқ шуни ёдда тутингки, давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари жорий йилда акциядорлик жамиятингизда режали текширув ўтказиш давомида молия-хўжалик фаолиятингизни фақатгина 2005 йилнинг 1 январидан то 2007 йилнинг бундай текширув ўтказиладиган даврига қадар текширишлари мумкин. Зеро амалдаги қонунчиликка мувофиқ илгари текширилган масалалар бўйича текшириш ўтказиш ман этилади[2].

*[1]Модда 2006 йил 23 мартдаги ЎРҚ-26-сон Қонунга мувофиқ киритилган.*

*[2]Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида низом 4-бандининг учинчи хатбошиси (Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

# НИЗОМГА АМАЛ ҚИЛИНГ

***Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 7-бандининг «б» кичик банди корхоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш мезонларини белгилайди, унга кўра ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади. Мазкур мезон амалдаги қонунчиликка, айнан кичик корхоналарда ишлайдиган ходимларнинг сони белгиланган Президентнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонига (1998 йил 9 апрель, ПФ-1987-сон), шунингдек корхонанинг рўйхат таркибига фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича иш бажарадиган ходимлар ва ўриндошлар киритилмаслиги қайд этилган Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича йўриқномага (Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган) зиддир (мазкур Йўриқнома амал қилмоқда ва ҳеч ким томонидан бекор қилинмаган).***

***Кўпчилик сайёҳлик корхоналари кичик корхоналар бўлиб, чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ўнлаб ва юзлаб экскурсовод гидларни жалб этадилар. Ўзларини кичик тадбиркорлик субъектларига киритиш мақсадида ходимлар сонини аниқлашда улар қандай ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин?***

**О.Пахомова,**
**«Sairam Tourism» АЖ молиявий директори.**




– Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган –* **бундан кейин** *1667-сон Низом)* **солиқ солиш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларига киритиш учун юридик шахс ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш қоидаларини белгилайди.** Президентнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони *(1998 йил 9 апрель, ПФ-1987-сон,* ***бундан кейин*** *– Фармон)* 1-банди **фаолият турига қараб кичик тадбиркорлик субъектларига киритилиши керак бўлган субъектлар тоифасинигина белгилайди.** Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларини кичик корхоналар тоифасига киритиш билан боғлиқ бўлган, бирмунча фарқланадиган масалаларни ёритиши туфайли уларда бир-бирига зид бўлган қоидалар мавжуд эмас.

Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича йўриқномага келсак *(Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*, унинг 1-банди мазмунига кўра мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тадбиркорлик субъектлари статистика органларига топширадиган **меҳнат бўйича ҳисоботларга қўйиладиган талабларнигина** ўз ичига олади, улар солиқ солиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни кичик тадбиркорлик субъектларига киритиш шартлари ва тартибини белгиловчи қоидалар эмас. Шу сабабдан ҳам корхонанинг солиқ тўловчи сифатидаги мақомини аниқлашда мазкур Йўриқномага мурожаат этиш нотўғридир.

Юқоридагилардан якун ясаб, амалдаги қонунчиликда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Қонун *(2000 йил 25 май, 69-II-сон)* мавжудлигини эслатиш лозим.

Мазкур Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. 2007 йил 28 мартдан бундай тартиб 1667-сон Низом билан белгиланган, ундаги меъёрларга кўра ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар сони ҳам ҳисобга олинади.

***Маслаҳатларни «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» газетасининг эксперт-юристи Екатерина БУХТИЯРОВА тайёрлади.***

# БОШ БУХГАЛТЕР БОР БЎЛСА ҲАМ ЙЎҚДЕК

***МЧЖ раҳбарияти «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2007 йил 5 июндаги 23-сонидаги «Икки вазифани уддалаш» мақоласи билан танишиб чиқиб, юзага келган саволларга жавоб беришингизни сўрайди.***

***Бизнинг савдо корхонамиз ходимларининг сони 5 кишидан иборат. Ҳужжат айлануви унча катта бўлмаганлигини ҳисобга олиб, биз қисман бандлик шарти билан ва тўлов ҳужжатлари, товарларни сотиш бўйича чиқувчи ҳисобварақ-фактуралар ва товар-моддий захираларни олишга чиқувчи ишончномаларни имзолаш ҳуқуқисиз чекланган ваколатлар шарти билан бош бухгалтерни таклиф қилдик. Мазкур шартлар тузилган меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда акс эттирилган. Иккинчи шарт ишлаб чиқариш жараёнида тезкорликни таъминлаш мақсадида қўйилган.***

***Биз хизмат кўрсатувчи банкда «бош бухгалтер назарда тутилмаган» ёзуви бўлган имзолар карточкаларини расмийлаштирдик, ҳисобварақ-фактуралар ҳам шу тарзда ёзилади.***

***Бошқа ҳолларда бош бухгалтеримиз бухгалтерия ҳисобини тўлиқ юритади.***

***Айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, бизга юзага келган вазиятни қонунни бузмай қандай ҳужжатлар билан қўшимча расмийлаштиришимиз кераклиги ҳақида, иложи бўлса, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда тўлиқ жавоб беришингизни сўраймиз.***

**Директор ўринбосари.**

– Хатингизнинг мазмунидан бош бухгалтер учун сизнинг МЧЖ асосий ёхуд ўриндошлик асосидаги иш жойи эканлиги келиб чиқмоқда. Бу эса иккала ҳолда ҳам унинг лавозими корхона штат жадвалида назарда тутилганлигини англатади. Бундан имзолар карточкасини расмийлаштирганда, шунингдек ҳисобварақ-фактураларда корхонада бош бухгалтер назарда тутилмаган деб ёзиш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг *(1996 йил 30 август, 279-I-сон)* 8-моддаси маъносидан келиб чиқишича, пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхонанинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва балanslари раҳбар томонидан ёки у тайинлайдиган шахслар томонидан имзоланади. Бунинг учун корхона раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар (корхона раҳбари), иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Айтиб ўтилганлардан келиб чиқишича, корхонангиз бош бухгалтери корхонадаги бухгалтерия ҳисобини амалга ошираётгани учун иккинчи имзо ҳуқуқига эга.

Қонун 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, **бухгалтерия ҳисоби** ва ҳисоботини **ташкил этишни** корхона раҳбари амалга оширади. Демак, у ҳужжатларга иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқига ҳам эга.

Расмийлаштирилган ҳужжатларда «бош бухгалтер назарда тутилмаган» деб ёзиш корхона раҳбари мазкур лавозимни бекор қилгандагина қонунийдир.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛМОҚЧИ

***Якка тартибдаги тадбиркор юридик шахслар учун ташкилий техникани таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишлар бажаради. Улар учун ҳақни буюртмачилар ҳисоб-китобнинг нақд пулсиз шаклида амалга оширади. Якка тартибдаги тадбиркор ўз ҳисобрақамидан фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар, сарфлаш материалларини харид қилишга пул маблағларини олишга ҳақлими?***

***Банкда тадбиркорнинг жамғариб бориладиган ҳисобварағи мавжуд. Жисмоний шахс сифатида ундаги нақд пул маблағларини ечиб, уларни юқорида кўрсатилган ишларни бажариш учун зарур бўлган материалларни харид қилишга сарфлаши мумкинми?***

***Якка тартибдаги тадбиркор банк билан банк корпоратив карточкасидан фойдаланиш шартномасини тузган. Бироз муддатдан сўнг банк у бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиб, карточкани олиб қўйди. У бундай қилишга ҳақлими? Қандай ҳолларда банк карта бўйича операцияларни тўхтатишга ва уни олиб қўйишга ҳақли? Банк картасини қайтариб олса бўладими?***

***Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи ташкилотлардан харид қилади. Улар ундан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия талаб қилишлари қанчалик қонуний?***



– Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг *(МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган,* ***бундан кейин*** *– 1518-сон Йўриқнома)* 33-банди мулкчилик шаклларидан қатъи назар **хўжалик юритувчи субъектларга** нақд пулларни бериш уларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар чегарасида **тўлов ҳужжатларида кўрсатилган мақсадлар учун** амалга оширилишини белгилайди. Шундай қилиб, сиз тўлов ҳужжатларида олинган пул маблағлари ўз фаолиятингизда ташкилий техникани таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришда ишлатиш учун мўлжалланган бутловчи қисмларни харид қилишга ишлатилишини кўрсатишингиз керак.

Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисидаги низомнинг *(Марказий банк томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 ноябрда 534-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 4.1-бандига мувофиқ даврий бадаллар ҳисобига шаклланадиган жамғариб бориладиган депозитлар депозит ҳисобрақамида муайян пул суммасини аниқ мақсад учун жамлаш мақсадида **жисмоний шахсларга** очилади. Мазкур Низомнинг 1.9-банди агар шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, **депозит ҳисобрақамларидан депозиторнинг биринчи талабига кўра қўйилманинг тўлиқ суммасини ёки унинг бир қисмини ечишга бўлган чекловлар мавжуд эмаслигини** назарда тутади. Демак сиз исталган вақтда депозитингиздаги маблағларни олиб, ишлатишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом *(МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 87-бандининг «в» кичик бандига биноан корпоратив банк картаси юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бироқ Низомнинг мазкур банди бугунги кунда МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда 1122-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан ўз кучини йўқотган. Шундай қилиб, бугунги кунда корпоратив банк картасининг эгаси бўлиб фақат юридик шахс ҳисобланиши мумкин. (Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низом 7-бандининг «б» кичик банди *(МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган,* ***бундан кейин*** *– 1344-сон Низом)* Эҳтимол, мазкур карточканинг сиздан олиб қўйилиши шу билан боғлиқдир.

1344-сон Низом 7-банди «а» кичик бандига мувофиқ карта ҳисобрақамингизда (карта ҳисобрақамларингизда) ҳисобга олинадиган мазкур маблағлардан фойдаланишга йўл қўядиган шахсий банк картаси эгаси бўлишингиз мумкин.

Сиз улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланмаслигингиз сабабли, сиздан унга доир лицензия талаб қилишга ҳақли эмаслар.

***Маслаҳатларни «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» газетасининг эксперт-юристи Ада ЦОЙ тайёрлади.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

- "Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида".

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

- ЎзР ИИВ, МХХ, Олий суди, Бош прокуратураси, ДБҚ, ДСҚнинг "Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## «ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 февралда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 315-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги 740–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар; 2006 йил, № 12, 658-модда) **2-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан»;

**тўртинчи – ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар) **10-моддаси биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «холислар суди» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **100-модданинг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса»;

2) **104-модда** «протест келтириш тўғрисида аризалар» деган сўзлардан кейин «ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **152-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса»;

4) **248-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига биноан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 2 августда эълон қилинган.***

KAPITALBANK Хизматлар лицензияланган 132 - 07 - 03
*Бир мақсадга интилиб*
*Муваффақиятга эришамиз*

мулки турган жойдаги суд томонидан кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани суд томонидан кўриб чиқиш ва даъвони таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 249-258-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

5) **254-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади»;

6) **II бўлим** қуйидаги мазмундаги **5-кичик** бўлим билан тўлдирилсин:

«5-кичик бўлим. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш

**35¹-боб. Умумий қоидалар**

**309¹-модда. Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар**

Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга қуйидагилар киради:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

**309²-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўриш тартиби**

Судлар ушбу Кодекснинг 309¹-моддасида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг 35¹–35³-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади.

**309³-модда. Суднинг ажримлари устидан шикоят бериш**

Суднинг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишга оид ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

**35²-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**309⁴-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги судга берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

**309⁵-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза жавобгарлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 309⁴-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152-154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки уни ҳаракатсиз қолдиради.

**309⁶-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда судда низолашилаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик

судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг $309^{7}$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

**$309^{7}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, суд томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори суд томонидан бекор қилиниши керак.

**$309^{8}$-модда. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой ҳақидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

## $35^{3}$-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш

**$309^{9}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари суд томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан суд томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор яшайдиган жойдаги ёки жойлашган ердаги ёхуд, агар қарздор яшайдиган жой ёки жойлашган ер номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги судга берилади.

**$309^{10}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий

ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздорлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг $309^{9}$-моддасида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152 – 154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки ҳаракатсиз қолдиради.

**$309^{11}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг $309^{12}$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс $309^{4}$-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган суднинг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

**$309^{12}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, суд ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси суд ёки хўжалик суди томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

**$309^{13}$-модда. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик суди-

нинг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **25-модданинг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судига» деган сўзлар «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **$25^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$25^1$-модда. Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар**

Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга қуйидагилар киради:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

Хўжалик судлари ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг $20^1$-$20^2$-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда хўжалик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади»;

3) **52-модданинг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судига» деган сўзлар «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **76-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига кўра ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик суди томонидан ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тарафларни хабардор қилмаган ҳолда кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани хўжалик суди томонидан кўриб чиқиш ва даъвони таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 77-81-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

5) **80-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари хўжалик суди томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

6) **86-модда 3-бандининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судининг», «ҳакамлар судига», «ҳакамлар судида» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик судининг», «ҳакамлик судига», «ҳакамлик судида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **88-модда 1** ва **2-бандларининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар суди», «ҳакамлар судига» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик суди», «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **91-модда биринчи қисмининг 6** ва **7-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар;

7) хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ва ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари»;

9) **117-модда биринчи қисми 3** ва **4-бандларининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судининг», «ҳакамлар судига», «ҳакамлар судида» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик судининг», «ҳакамлик судига», «ҳакамлик судида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) қуйидаги мазмундаги **$20^1$** ва **$20^2$-боблар** билан тўлдирилсин:

**«$20^1$-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**$155^1$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг хўжалик судига тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида хўжалик судига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги хўжалик судига берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш хўжалик суди томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик

суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

**155[2]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган тараф ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ушбу Кодекс 155[1]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга ва ушбу модда қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилади.

**155[3]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда хўжалик судида низолашилаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Хўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг 155[4]-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

**155[4]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак.

**155[5]-модда. Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой тўғрисидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлиқ ёхуд қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

**20²-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**155⁶-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари хўжалик суди томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик судига берилади.

**155⁷-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки унинг юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 155⁶-моддасида назарда тутилган талаблар ва ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилади.

**155⁸-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Хўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади.

суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 155⁹-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 155¹-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган хўжалик судининг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

**155⁹-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, хўжалик суди ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

**155¹⁰-модда. Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги, аризачи мажбурий ижро этилишини илтимос қилаётган ижро варақасини бериш ҳақидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак.

Хўжалик судининг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ чиқарилган ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда) **36-моддасининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар суди» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда) **ўзбекча матнига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг 8-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 1 август*
*ЎРҚ–106-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ,*
*ОЛИЙ СУДИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, БОШ ПРОКУРАТУРАСИ*
*ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИГА ТОВАРЛАРНИ НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ЧЕТДАН ОЛИБ КЕЛИШ, ЧЕТГА ОЛИБ ЧИҚИШ ҲАМДА ЭТИЛ СПИРТИ, АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 июлда 1698-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 313-модда)*

Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш ва улардан амалиётда фойдаланиш ҳамда ягона марказлашган ҳисобини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

***Ички ишлар вазири***
**Б.МАТЛЮБОВ.**
*12-сон*

***Миллий хавфсизлик хизмати раиси***
**Р.ИНОЯТОВ.**
*92-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
**С.НОСИРОВ.**
*01-02/12-15-сон*

***Олий суд раиси***
**Б.МУСТАФОЕВ.**
*Ум-72-сон*

***Бош прокурор***
**Р.ҚОДИРОВ.**
*68-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
**Б.ПАРПИЕВ.**
*2007-45-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 8 июнь*

***2007 йил 29 июлдан кучга киради.**

*Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, Ум-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИГА ТОВАРЛАРНИ НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ЧЕТДАН ОЛИБ КЕЛИШ, ЧЕТГА ОЛИБ ЧИҚИШ ҲАМДА ЭТИЛ СПИРТИ, АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### § 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, Давлат божхона хизмати, Давлат солиқ хизмати органлари ва жиноят ишлари бўйича судлари (кейинги ўринларда матнда ваколатли органлар деб юритилади) республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (кейинги ўринларда матнда ҳуқуқбузарликлар деб юритилади) тўғрисидаги

маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар Бошқармаларида тузилган махсус Ишчи гуруҳларига (кейинги ўринларда матнда Ишчи гуруҳ деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган тартибда тақдим этадилар.

3. Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 186-1-моддалари ва ҳолат мазмунига кўра 188, 189-моддаларида кўрсатилган жиноят таркиби мавжуд ҳолатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186, 227-моддалари ва ҳолат мазмунига кўра 164, 166, 168, 176-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд ҳолатлар киради.

4. Ваколатли органлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритилади.

## § 2. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН КОМПЬЮТЕР АХБОРОТ-МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА КИРИТИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

5. Ваколатли органлар аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида қонуний чора кўрганидан сўнг ёки қонуний чора кўриш учун ҳуқуқбузарликларга оид ҳужжатларни бошқа ваколатли органларга юборишда содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни Ишчи гуруҳга ушбу Низомда белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлайдилар.

6. Ваколатли органлар аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ўз ваколатлари доирасида қонуний чора кўрганидан сўнг содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни ўн кунлик муддат ичида мазкур Низомнинг 1-иловасида берилган шаклдаги ҳисоб варақаларига киритади ва Ишчи гуруҳга тақдим этади.

7. Содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан қонуний чора кўриш учун ҳуқуқбузарликларга оид ҳужжатлар бошқа ваколатли органларга юборилган тақдирда ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотлар киритилган ҳисобварақ юбориладиган ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

8. Ишчи гуруҳлар қабул қилиб олинган ҳисоб варақалардаги маълумотларни ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотлар қайд этиладиган компьютер ахборот-маълумотлар базасига (кейинги ўринларда матнда ахборот-маълумотлар базаси деб юритилади) киритади.

9. Ваколатли органлар томонидан юбориладиган ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар ҳисобининг тўғри юритилиши, уларни тақдим этиш тартибига риоя қилиниши бўйича ҳар чоракда ваколатли органлар ва Ишчи гуруҳлари ўртасида маълумотлар таққослови ўтказилади.

10. Ахборот-маълумотлар базасига киритилган ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар электрон шаклда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар бошқармаларидаги Ахборот марказлари орқали ҳар куни Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказига узатилади.

11. Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази республика бўйича тўпланган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва уларни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритади.

12. Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасини ҳамда ахборот-маълумотлар базасини юритиш учун Ички ишлар вазирлигининг Компьютер маркази томонидан ишлаб чиқилган компьютер дастури Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази ҳамда Ишчи гуруҳлардаги махсус ажратилган компьютерларга ўрнатилади.

Ишчи гуруҳларнинг Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази билан ўзаро электрон алоқаси ва ушбу алоқанинг узлуксиз бўлиши Ички ишлар вазирлигининг Компьютер маркази томонидан таъминланади.

## § 3. ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН КОМПЬЮТЕР АХБОРОТ-МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА КИРИТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

13. Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларнинг ҳисобини юритади ва улардан фойдаланишни таъминлайди.

14. Ваколатли органлар мазкур Низомнинг 2-иловасида берилган шаклидаги талабнома орқали шахснинг муқаддам худди шу турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш мақсадида Ишчи гуруҳларга мурожаат қилади.

15. Ишчи гуруҳ талабномани олган кундан бошлаб 3 кунлик муддат ичида ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ҳақида маълумотни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базаси орқали текширади ва натижасини Низомнинг 3-иловасида берилган шаклда ваколатли органга юборади.

16. Ваколатли органлар Ишчи гуруҳдан олган маълумотлар асосида ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қиладилар.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини улар ҳақидаги маълумотларни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасидан текширмасдан туриб ҳал этишга йўл қўйилмайди.

## § 4. МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

17. Ушбу Низом талабларига қатъий риоя қилиниши ва уларни тўлиқ бажарилиши учун ваколатли органларнинг мансабдор шахслари масъулдирлар.

18. Ҳар бир ваколатли орган томонидан тақдим этилаётган ҳисобварақларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва белгиланган муддатларда Ишчи гуруҳларга тақдим этилиши устидан назорат ваколатли органнинг раҳбари зиммасига юклатилади.

19. Мазкур Низом талабларини бажармаган ёки белгиланган муддатларда бажармаган ваколатли органларнинг мансабдор шахслари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

## ТОВАРЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КИРИЛИШИ ВА ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ ҲАМДА ЭТИЛ СПИРТИ, АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСГА ЮРИТИЛГАН ҲИСОБ ВАРАҚАСИ

| | |
|---|---|
| **Фамилияси, исми ва отасининг исми** | |
| **Туғилган куни, ойи ва йили** | |
| **Туғилган жойи** | |
| **Яшаш манзили** | |
| **Миллати** | |
| **Маълумоти** | |
| **Иш жойи** | |
| **Лавозими** | |
| **Иш жойи манзили** | |
| **Уй ва хизмат телефони рақами** | |
| **Паспорт серияси, рақами, Берилган жойи ва санаси** | |

**Ҳуқуқбузарлик тури (тегишли модда тагига чизилади)**

| Жиноий | модда | Маъмурий | модда |
|---|---|---|---|
| Божхона қонунларини бузиш | 182 | Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш | 164 |
| Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш | 186-1 | Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш | 166 |
| Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш | 188 | Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш | 168 |
| Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш | 189 | Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш | 176 |
| Бошқаси | | Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши | 186 |
| | | Божхона қонунларини бузиш | 227 |
| | | Бошқаси | |

*1-илованинг орқа томони*

Ҳуқуқбузар қуйидаги жиноий, маъмурий модда бўйича илгари махсус ҳисобга олинган: ________________________________________

Ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумот

| № | *Ҳуқуқбузарлик содир этилган кун, баённома рақами* | *Ҳуқуқбузарлик фабуласи* | *Ким томондан кўриб чиқилган, кўрилган чоралар, суд қарорларини юқори инстанция судлари томонидан бекор қилиниши ҳамда судни қарори қонуний кучга кирган сана* | *Олинган товар* | | | *Маълумотни тақдим этган ходим (Ф.И.О.)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | *тури* | *миқдори* | *қиймати* | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

| **Транспорт воситаси** | | | |
|---|---|---|---|
| русуми | давлат белгиси | Ҳайдовчи (Ф.И.О.) | Эгаси (Ф.И.О.) |
| | | | |
| | | | |

*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

**ТАЛАБНОМА**

**Шахсни республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун муқаддам жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш ҳақида**

(талабнома қаерга юборилган)

1. Фамилияси
2. Исми
3. Отасининг исми
4. Туғилган куни, ойи ва йили
5. Туғилган жойи
6. Яшаш жойи
7. Текширувдан мақсад
8. Бошлиқ

(Ф.И.О., лавозими., имзоси)

Юборувчининг манзили:

Туман, шаҳар

Вилоят

Орган номи

(талабномани юборган органнинг номи)

*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

**Шахсни республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун муқаддам жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш юзасидан текширув натижаси бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

Масъул шахснинг фамилияси, имзоси

(муҳр) Сана

# ДАЪВОГАР СУСТ БЎЛМАСИН

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Солиқ органи хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширганда қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлигини аниқлади. ДСИ субъектга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этди. Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни қаноатлантиришни рад этди, апелляция инстанцияси суди унинг қарорини ўзгаришсиз қолдирди.***

***Иш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатларига рози бўлмаган солиқ органи бу ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраб кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат этди.***

## СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Текширув вақтида хўжалик юритувчи субъект Марказий банкнинг рухсатисиз хорижий банкда иккита банк ҳисобварақлари очганлиги ва улар орқали чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ўтказиш операцияларини амалга оширганлиги аниқланди. Бу ҳуқуқбузарлик бўлиб, валюта тушумини яширганлик деб эътироф этилади, бунинг учун эса амалдаги қонун ҳужжатларида иқтисодий жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди қарорларини бекор қилиш ҳамда ДСИ арз қилган талабларни тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш зарур.



## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Банк ҳисобварақлари роуминг хизматлари кўрсатиш тўғрисида тузилган ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида ҳисобга қўйилган келишувга мувофиқ роуминг-шериклар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ташкилотимизга молиявий хизматлар кўрсатиш учун чет эл компанияси номидан очилган. Валюта тушумини яшириш ҳолати бўлмаган, солиқ хизмати органлари томонидан ҳам бу нарса исботланмаган. Аввалги инстанция судлари тўғри қарорлар қабул қилган. Солиқ органларининг талаблари қаноатлантирилмаслиги керак.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари тушунтиришларини, қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиши керак деб ўйлаган прокурорнинг фикрини тинглаб, кассация шикоятида келтирилган важларни муҳокама қилиб, шуни аниқладики:

хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текшириш тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўтказилган;

текширув далолатномасида юридик шахс томонидан хорижий банкда иккита банк ҳисобварағи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатисиз очилганлиги ва шу ҳисобварақлар орқали валютадаги пул маблағларини ўтказиш ҳамда ҳисобга ёзиш операциялари амалга оширилганлиги факти акс эттирилган;

хўжалик юритувчи субъект билан хорижий компания ўртасида тузилган келишувни бажариш учун мазкур ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушган, бу маблағларнинг бир қисми мазкур субъектга унинг тизим ташкил этувчи роуминг-шериклари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун сарф қилинган;

мазкур фактлар солиқ органи томонидан валюта тушумини яшириш сифатида баҳоланган ва солиқ органи юридик шахсдан Солиқ кодекси 135-моддасининг 1998 йил 1 январга бўлган ҳолатдаги таҳриридаги 3-бандига мувофиқ яширилган тушум ва яна шунча миқдорда жарима ундириш тўғрисида судга даъво тақдим этган;

иш материалларидан кўриниб турибдики, хорижий банкда хўжалик юритувчи субъект номига банк ҳисобварақлари очилмаган. Банк ҳисобварақларини мазкур субъектга унинг дебиторлари ва кредиторлари билан ҳисоб-китоб ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатган хорижий компания ўз номидан очган;

субъект хорижий банкда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатисиз ўз номидан ҳисобварақлар очганлиги факти солиқ органлари томонидан исботланмаган;

роуминг-шериклар билан ўзаро ҳисоб-китоблар қилинганидан кейин мазкур ҳисобварақларда қолган пул маблағлари тузилган келишувга мувофиқ хорижий компания томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистондаги валюта ҳисобварағига ўтказилган;

мазкур келишув бўйича хизмат кўрсатилиши юридик шахс учун «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(1993 йил 7 майдаги 841-XII-сон)* 7-моддасида назарда тутилган жорий халқаро валюта операцияси ҳисобланади. Бу эса хўжалик юритувчи субъект томонидан валюта тушумини яшириш аломатлари йўқлигидан далолат беради ҳамда пул маблағларини ўтказиш операцияси ҳаққоний ва қонуний эканлигини тасдиқлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди солиқ органларининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида тўғри, асослантирилган қарорлар қабул қилган.

Хўжалик-процессуал кодексининг 187 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати олдинги инстанция судлари чиқарган суд ҳужжатларини ўзгаришсиз, солиқ хизмати органининг кассация шикоятини эса қаноатлантиришсиз қолдиришга қарор қилди.

## ШАРҲ

*Хорижда ҳисобварақлар очишга рухсатномалар бериш тартибининг (Марказий банкнинг Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 610-рақам билан рўйхатга олинган қарори билан тасдиқланган) 1.2-бандига мувофиқ резидент юридик шахслар томонидан чет элда ҳисобварақлар очиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади. Агар Марказий банкнинг рухсатисиз хорижий банкда ҳисобварақ очилган ва юридик шахс унга валюта тушуми киритилишини таъмин этаётган бўлса, Тартибнинг 4.5-бандига мувофиқ бу ҳол тушумни яширганлик деб малакаланади ҳамда бунинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилиши керак.*

*Валюта тушумини яширганлик фактини малакалаш учун хўжалик юритувчи субъект чиндан ҳам Марказий банкнинг рухсатисиз хорижий банкда ҳисобварақ очганлиги ва унга валюта маблағлари ўтказганлигини, бу маблағларни ўша ерда сақлаганлигини ёки шу маблағлар билан банк операцияларини амалга оширганлигини (ҳисоб-китоб қилганлиги, бошқа ҳисобварақларга маблағ ўтказганлиги ва шу сингариларни) исботлаб бериш керак. Суднинг қароридан шу нарса аён бўладики, банк ҳисобварақлари молиявий агент сифатида иш кўраётган хорижий компания номидан очилган, яъни бу компания хўжалик юритувчи субъект билан унинг роуминг-шериклари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатган. Бундай хизматлар кўрсатиш келишув билан расмийлаштирилган бўлиб, ана шу келишув Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида ҳисобга қўйилган. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи хорижий банкда ҳеч қанақа ҳисобварақ очмаган, улар бўйича ҳеч қандай ҳисоб-китоб қилмаган ва табиийки, валюта тушумини яширишда уни айбдор деб эътироф этиб бўлмайди. Бунинг устига хорижий банкда банк ҳисобварақлари очилганлиги фактини солиқ органлари исботлаб бера олмадилар.*

*Ишга оид материаллардан шундай хулоса чиқариш мумкин: бирон бир ҳолатни рўкач қилиб ва ана шу ҳолатлар асосида судга мурожаат этилганда энг аввало уларни исботлаб бериш зарур. Хўжалик-процессуал кодекси 55-моддасининг биринчи қисми худди шуни талаб қилади. Унда айтилишича, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Солиқ органларининг талаблари асосланган эмасди ва шу туфайли суд томонидан ҳақли равишда қаноатлантиришсиз қолдирилди.*

*«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ барча валюта операциялари жорий халқаро операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга бўлинади. Мазкур қонун 7-моддасининг биринчи қисмига биноан жорий халқаро операцияларга қуйидагилар киради:*

*ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши, шунингдек одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;*

*фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинадиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши лозим бўлган тўловлар.*

*Юқорида айтилганлардан хулоса чиқариш мумкинки, чет эл валютасидаги пул маблағларини хўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳисобварағига ўтказиш бўйича амалга оширилган операциялар ошкора бўлиб, улар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эди ҳамда хўжалик юритувчи субъект томонидан валюта тушумини яширганлик аломатлари йўқлигини кўрсатиб турибди.*

# ҲУЖЖАТЛАР СОЛИШТИРИЛГАНМИДИ?

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Якка тартибдаги тадбиркор хўжалик суди томонидан берилган ижро варақаси асосида банкка қарздордан пул маблағларини ундириш тўғрисида инкассо топшириқномаси тақдим этди. Ҳужжатлар ижро этилмаган кўйи қайтиб келди. Ана шунда якка тартибдаги тадбиркор инкассо топшириқномаси ижро этилмаганлиги оқибатида кўрган зарар суммасини ҳамда ўзининг ишчанлик обрўсига етказилган зарар компенсациясини банкдан ундириш тўғрисидаги талаб билан хўжалик судига мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилди. Апелляция инстанцияси суди унинг қарорини ўзгаришсиз қолдирди.***

***Бундан кўнгли тўлмаган тадбиркор қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ва даъво талабларини тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш ҳақида кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилди.***

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Банк инкассо топшириқномасини бажармади, демак ижро этмаганлиги оқибатида етказилган зиённи, шунингдек ишчанлик обрўсига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаб бериши шарт. Якка тартибдаги тадбиркор ундирувчи эканлиги боис, ижро варақаси асосида қарз миқдоридаги инкассо топшириқномасини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Арз қилинган талаблар тўлиқ ҳажмда қаноатлантирилиши, олдинги инстанция судлари чиқарган ҳужжатлар эса бекор қилиниши керак.

## БАНКНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Инкассо топшириқномасидаги маълумотлар бу ҳужжат тақдим этилишига асос бўлган ижро варақасида кўрсатилган маълумотларга мос эмас. Шу сабабли ҳужжатлар ижро этилмасдан қайтариб юборилди. Банкнинг ҳаракатлари батамом ҳаққоний, бинобарин суднинг якка тартибдаги тадбиркор арз қилган даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинмайди.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари тушунтиришларини, қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиши керак деб ўйлаган прокурорнинг фикрини тинглаб, кассация шикоятида келтирилган важларни муҳокама қилиб, шуни аниқладики:

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг қарорини ижро этиш учун даъвогарга (якка тартибдаги тадбиркорга) қарздордан қарз суммасини ундиришга оид ижро варақаси берилган;

ана шу ижро варақаси асосида банкка инкассо топшириқномаси тақдим этилган;

инкассо топшириқномасида қарздор сифатида бир субъект, ана шу топшириқномани тақдим этишда асос қилиб олинган ижро варақасида эса бошқа бир субъект кўрсатилган;

мазкур ҳужжатлардаги маълумотларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги инкассо топшириқномасини ижро этилмасдан қолдириш ва ундирувчига қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кўриб чиқилаётган ҳолатда банкнинг ҳаракатлари ҳаққоний ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқдир.

Хўжалик-процессуал кодекснинг 187 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати илгари қабул қилинган суд ҳужжатларини ўзгаришсиз, якка тартибдаги тадбиркорнинг кассация шикоятини эса қаноатлантиришсиз қолдирди.

## ШАРҲ

*Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомнинг (унинг янги таҳрири Марказий банк бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган қарори билан тасдиқланган) 40-бандига мувофиқ инкассо топшириқномаси маблағ олувчининг тўловчининг ҳисобварағидан маблағларни ўзига баҳссиз тартибда ўтказиш тўғрисида банкка берган топшириғидир. Шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 41-бандида инкассо топшириқномалари тақдим этиш ҳуқуқи берилган субъектларнинг рўйхати аниқлаб қўйилган. Мазкур банднинг "в" кичик бандига мувофиқ ундирувчилар ижро этувчи ҳужжатлар бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари тақдим этишга ҳақлидир. Ижро ишини юритиш ҳамда суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (адлия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 29 декабрда 1091-сон билан рўйхатга олинган буйруғи билан тасдиқланган) 2-банднинг 2-кичик бандига мувофиқ судлар ўзлари қабул қилган суд ҳужжатлари асосида берадиган* ***ижро варақалари*** *ижро ҳужжатлари бўлиб, улар асосида инкассо топшириқномалари берилиши мумкин.*

*"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг (2001 йил 29 августдаги 258–II-сон) иккинчи қисмига мувофиқ ҳар қандай шахс, агар ижро ҳужжати унинг фойдасига ёки унинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, инкассо топшириқномасини тақдим этиш ҳуқуқи берилган ундирувчи ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган ҳолатда банкка мурожаат этган якка тартибдаги тадбиркор ундирувчидир.*

*Инкассо топшириқномаси расмийлаштирилаётганда унда кўрсатилган маълумотларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу маълумотлар инкассо топшириқномаларига илова қилинаётган ижро ҳужжатларида (биз кўраётган ҳолатда эса ижро варақасида) келтирилаётган маълумотларга батамом мувофиқ бўлмоғи керак. Айтайлик, ижро варақаси ва инкассо топшириқномасида кўрсатилган ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзили, жисмоний шахслар учун қарздор туғилган сана ва жой, унинг иш жойи ва шу сингари маълумотлар бир хил бўлиши керак. Ана шу маълумотларда номувофиқлик бўлса, банк инкассо топшириқномасини бажармасликка ва ҳужжатларни арз қилувчига қайтариб юборишга ҳақлидир.*

**МАЗКУР МАТЕРИАЛЛАР ГЕРМАНИЯ ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИ КЎРСАТАЁТГАН ТЕХНИК ЁРДАМ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**

gtz





БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!
COSCOM

Ўзбекистон мобил операторларидан кириш қўнғироқлари*

Ўзбекистон бўйича кунига 4 чиқувчи SMS!

# БЕПУЛ

| | | |
|---|---|---|
| Тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлар | бир дақиқаси | $0.02 |
| Ўзбекистон бўйича чиқувчи қўнғироқлар | бир дақиқаси | $0.04 |
| Абонент тўлови | кунига | $0.04 |
| COSCOM тармоғи ичида кирувчи қўнғироқлар | бир дақиқаси | $0.00 |
| Бошқа кирувчи қўнғироқлар | бир дақиқаси | $0.04 |

**Бепул SMS пакетидан ортиқча SMS йўллаш**

| | |
|---|---|
| COSCOM абонентлари учун | $0.02 |
| бошқа уяли алоқа компаниялари абонентлари учун | $0.03 |

Ахборот ва кўнгилочар сервисларнинг қисқа рақамларига sms хабарлар йўллаш алоҳида қиймат бўйича тарифланади. "00" орқали муқобил қўнғироқ ёрдамида халқаро алоқага кирилади. * Ўзбекистоннинг бошқа мобил операторларидан кирувчи қўнғироқларни тарифлаш белгиланган халқаро форматда абонент рақами: +998 90 (Beeline-Uzbekistan), +998 97, +998 92 (MTS-Uzbekistan), +998 98 (Perfectum Mobile), +998 95 (Uzbektelecom Mobile) ва операторларнинг минтақавий рақамлари тўғри узатилганда, шунингдек Ўзбекистон уяли алоқа операторлари абоненти Ўзбекистон ҳудудида бўлганда амалга оширилади.

Батафсил маълумотлар сотиш жойлари ва www.coscom.uz сайтида.
Тел.: (8 593) 180-00-00.
Нархлар ҚҚС билан кўрсатилган.

Тўлов тўлов кунидаги ЎзР МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган
(ЎзАAA берган АА 0001818-сон).

# Гўзаллик ва саломатлик


PR_584

**"ALFA-DENT" ХФ**

клиникалар тармоғи

Хизматлар лицензияланган

• Тишларни даволаш ва протезлаш
• Юзнинг косметик жарроҳлиги, пирсинг

**Тел.: 152-37-33, 54-24-24**

Госпитал бозор ёнида ЦУМ ёнида

**ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ, ДОРИВОР ВОСИТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ УШБУ РУКНДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ**

**www.apteka.uz САЙТИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР СОҒЛИҚҚА ОИД**

**ЖИВИТЕ ДОЛГО И КОМФОРТНО!**

**Цинарикс**

Обладает комплексным воздействием




Товар сертифицирован

- Стимулирует выделение желчи – рекомендуется при дискинезии, хроническом холецистите и других заболеваниях желчевыводящих путей.
- Защищает клетки печени и почек от неблагоприятного действия алкоголя и других токсических веществ, показан при гепатитах
- Способствует понижению содержания жиров в организме, показан при ожирении
- Снижает уровень холестерина в крови, показан при атеросклерозе
- Усиливает моторную деятельность кишечника – прекращает вздутие живота, запоры, тошноту, восстанавливает аппетит
- Цинарикс обладает хорошей переносимостью и практически полным отсутствием побочных эффектов. Это позволяет принимать Цинарикс продолжительное время без опасения нежелательных явлений.

PR_246_07

Pharmed тел.: 399-55-00

Хизматлар лицензияланган

**"АПОЛЛОНИЯ"**

**СТОМАТОЛОГИК КЛИНИКАСИ**

**БАРЧА ТУРДАГИ СТОМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТАДИ:**
- ТИШЛАРНИ ОҒРИҚСИЗ ДАВОЛАШ, ОЛИШ ВА ТИКЛАШ
- ТИШДАГИ ТОШЛАРНИ УЛЬТРАТОВУШЛИ СКЕЛЛЕР БИЛАН ОЛИБ ТАШЛАШ
- МЕТАЛЛ КЕРАМИКА (ЭНГ КАМ АРРАЛАШ ВА АСАБ ТОЛАСИНИ ОЛМАСДАН)
- ОЛИНУВЧИ ПЛАСТИНКАЛИ ВА БЮГЕЛЬ ПРОТЕЗЛАР
- ОРТОДОНТИЯ

*Канадалик шифокор-ортопед, шунингдек АҚШ, Канада ва Жанубий Корея мутахассисларидан иш ўрганиб қайтган шифокорлар стоматология хизматлари кўрсатади. Америка стомускуналарида, фақат импорт материалларидан фойдаланиб.*

*Табассумингизни янада ёқимли қиламиз*

Манзил: Тошкент ш., Нукус кўч., 51.
Тел.: 55-61-05, 55-24-59.

Б-3156

**"Melanj" МЧЖ** хизматларини кўрсатади

**ХОНАЛАРГА САНИТАРИЯ ИШЛОВИ БЕРИШ**

- **Дезинсекция** (сувараклар, чивинлар, қумурсқалар, пашшалар, каналар ва б.ни йўқ қилиш)
- **Дератизация** (каламуш ва сичқонларни йўқ қилиш)

Хизматлар лицензияланган

**Бутун Ўзбекистон бўйлаб бир марталик ишлов беришлар ва йиллик хизмат кўрсатишга шартномалар тузамиз**

**Аъло натижа ва хизматларнинг юқори сифатли бўлишини кафолатлаймиз**

**Тел.: 162-36-48, 127-63-38**

## ДЛЯ ТЕХ, КТО ПРЕДПОЧИТАЕТ РАБОТАТЬ С КНИГОЙ

**NORMA®**
ЭКОНОМИКО-ПРАВОВОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО

**КНИЖНАЯ ПРОДУКЦИЯ НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ БУХГАЛТЕРАМ И АУДИТОРАМ УЗБЕКИСТАНА**




Справочники **«Практическая бухгалтерия»** и **«Практическое налогообложение»** издаются в папках с разъемным переплетом. Поэтому листы в них с устаревшей информацией легко заменить новыми. Имея такой справочник, можно не следить за изменениями в законодательстве, приобретать дополнительную литературу – всю работу по сбору, анализу и актуализации информации за вас сделают эксперты издательства. Потому что издательство «Norma» обязуется регулярно обновлять справочники, рассылая подписчикам новые листы.
В приложенной к ним инструкции указывается, какие устаревшие листы надо заменить новыми.
Вот почему информация в таком справочнике всегда актуальна.




**Основные достоинства справочников:**

**Актуальность** – информация постоянно обновляется, в справочниках нет устаревших положений.
**Мобильность и многовариантность использования** – любой раздел справочника можно носить с собой, разными разделами могут пользоваться одновременно несколько сотрудников.
**Полнота информации** – тематические справочники содержат абсолютно всю информацию по конкретной теме.

**Стоимость годовой подписки на каждый справочник – 99 000 сумов.**

**Подписаться на справочники можно по адресу: г.Ташкент, ул.Навои, 22. Тел./факс 144-44-29. Тел. 132-18-80.**

